

Итларда ҳид билиш ҳолати қандай эканини биласизми?



11:17 / 13.12.2023 2011

Итлар кучли ҳид билиш сезги органига эга. Уларда инсонларга нисбатан кўп миқдорда ҳид билиш ҳужайралари мавжуд. Шу сифат орқали итлардан Ички Ишлар ходимлари ва ҳарбийлар хизматлар жараёнида жиноятни аниқлаш мақсадида кенг фойдаланилади. Жамиятда жиноят, ҳуқуқбузарлик ҳисобланган ҳолатларни аниқлашда итларнинг хизмати алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, инсоннинг ҳид билиш ҳужайралари тахминан уч миллион атрофида бўлса, итларда бу кўрсаткич йигирма миллион ҳужайрани ташкил этади. Шундай моддалар борки, инсон ҳидлаганда унинг исни ҳис қилмайди. Аммо бу ҳидларни итлар сеза олади. Итни жиноятни аниқлаш чоғидаги ҳатта-ҳаракати ва овози жуда муҳим. Ит бир жойни искаётган пайтда унинг бурнидан чиққан нам ҳаво ўша атрофга ёпишиб қолади. Натижада итдан чиққан ўзига хос ҳид ўша минтақага ўрнашиб қолади.

Ит бурнининг ҳар икки томонида иккита бурун тешиги, нафас олиш жараёни учун бир тешикдан фойдаланса, иккинчисидан эса нафас чиқариш асносида фойдаланади. Жонивор юқоридаги икки амалиётни бир вақтнинг ўзида амалга оширади.

Сўзимиз охирида бир оятни келтириб ўтсак:

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

«Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани, Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар» (Луқмон сураси, 11-оят).

Нозимжон Ҳошимжон

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.